SHU AZIZ VATAN BARCHAMIZNIKI!

ISTIQBOL

№ 36
(6188)
2025-yil
12-sentyabr
Juma

Gazetaning QR-kodi
www.zangiota-istiqbol.uz

Zangiota tumani hokimligi ijtimoiy-siyosiy gazetasi ❙ 1934-yil 10-iyuldan chiqa boshlagan

ЕР – ХАЗИНА, КАЛИТИ ЭСА ДЕҲҚОН ҚЎЛИДА



“Қаҳрамон” маҳалласида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 13 майдаги “Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан 5 кунлик ўқув курси ташкил этилди. Бундан кўзланган мақсад нима эди?

3

► *Эътироф*

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4906-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида”ги 2017 йил 14 июлдаги ПҚ-3133-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Нуроний” жамғармаси Васийлик Кенгаши мамлакатимизда ўз меҳнати, обрў-эътибори билан жамоадошлари, маҳалладошлари орасида ҳурмат-эҳтиромга эга бир гуруҳ замондошларимизни “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирлади.

Улар орасида тумандошларимиз ҳам бор.

I даражали

Умарова Дилором Назир қизи – маҳалла фаоли.

Вахобов Туроб – маҳалла фаоли.

Абдурахмонов Болтабой – қишлоқ хўжалиги фахрийси.

III даражали

Абдуаҳатов Абдусаттор – маҳалла фаоли.

Тақдирланган фахрийларимизни қизғин табриклаб, уларга мустаҳкам соғлиқ тилаб қоламиз.



Абу Наср Форобий

Мақсадни амалга оширишга қасд ва ғайрат қилиш мўлжалланган ишни бажаришда катта аҳамиятга эгадир.

ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИНИ ТЕЖАШ – МУҲИМ



Бош прокурор ўринбосари С.Самадов раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ томонидан "Боғзор" маҳалла фуқаролар йиғинида тумандаги 60 та маҳалла фуқаролар йиғини раислари, 150 га яқин фуқаролар ва бошқа ташкилотлар иштирокида семинар ўтказилди.

3

УШБУ СОНДА:

МЕҲР-МУҲАББАТ, ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ОШЁНИ — 2

КАСАБА УЮШМАЛАРИ: МАҚСАДИМИЗ ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИГА ҲИССА ҚЎШИШ — 5

"Илк ривожланиш маркази" ОЧИЛДИ — 8

ISTIQBOL
2025-yil 12-sentyabr / Juma / № 36 (6188)





БАНДЛИК, ФАРОВОНЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ

Зангиота туман ҳокимлиги катта мажлислар залида туман ҳокими Эркин Рустамов раҳбарлигида навбатдаги ҳокимлик соати йиғилиши ўтказилди. Унда туман прокурори Алишер Жўраев, туман Давлат солиқ инспекцияси раҳбари Давлат Сулаймонов, туман ҳокимлиги ва маъмурий бошқарув ходимлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда МФЙ еттилиги вакиллари иштирок этишди.

Мажлисда туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳамда аҳолининг турмуш даражасини оширишга қаратилган муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Кун тартибидан қуйидаги масалалар ўрин олди:

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари ижроси – бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилиниб, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари кўриб чиқилди.

Фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш ҳолати – мурожаатларни ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқиш, қонунчилик талабларига риоя этилиши ҳамда аҳолининг муаммоларини ҳал этишда масъул ташкилотларнинг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Президент, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда вилоят ва туман ҳокимлари томонидан қабул қилинган фармон, қарор ва фармойишлар ижроси – белгиланган топшириқларни ўз вақтида ва самарали бажариш юзасидан мутасаддиларнинг ҳисоботлари тингланди.

Йиғилиш якунида туман ҳокими Эркин Рустамов кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар берди ва мутасаддиларга аниқ топшириқлар юклади. У белгиланган вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажариш, фуқаролар мурожаатларини тўлиқ ҳал этиш ҳамда аҳолининг ҳаёт даражасини ошириш бўйича масъул раҳбарлардан қатъий масъулият талаб этилишини таъкидлади.

Шунингдек, ҳокимлик соати доирасида ижтимоий-иқтисодий соҳадаги муаммоларни жойида ҳал қилиш, маҳалла еттилиги фаолиятини самарали ташкил этиш ва ҳар бир мутасаддининг масалага масъулият билан ёндашиши бўйича кўрсатмалар берилди.

Туман ҳокимлиги Ахборот хизмати.

► *Ҳокимлик соати*

► *Ташаббусли бюджет*

Аҳил жамоаларга ғолиблик ярашади

Мустақиллик байрами арафасида хушхабарларнинг кети узилмади. Айниқса, “Ташаббусли бюджет”нинг 2025 йил 2-мавсум ғолиб лойиҳалари эълон қилингач, ғолибларнинг қувончига қувонч қўшилди. Овоз бериш жараёни якунларига кўра, 3,2 трлн. сўмлик 2332 та лойиҳа ғолиб деб топилди.

Ушбу мавсум доирасида фуқаролар томонидан жами 22 263 та лойиҳа келиб тушган бўлиб, шулардан 18 656 таси овоз бериш босқичига ўтказилган.

Жараёнларда мамлакатимиз бўйлаб жами 11 миллиондан ортиқ овоз берилди.

Туманимизда ҳам 11 та лойиҳанинг ғолиб деб топилганлиги анчагина муаммоларни ҳал этиш имконияти деганидир.

Туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси ҳам ғолиблар сафидан жой олди. Энди туман Марказий шифохонаси, туғуруқ бўлимининг биттадан юк ташиш лифти, Кўп тармоқли марказий поликлиникасининг 2 та фуқаролар ташувчи лифтлари замонавий лифтларга алмаштирилади.

“Обод тўқимачи” маҳалласининг ҳам кўп йиллик муаммоси ҳал этиладиган бўлди. Маҳалланинг 3 километрдан зиёд кўчалари асфальтлаштирилади.

“Б.Аширметов” кўчасининг узунлиги 3177 метр бўлган йўлига асфальт қопламаси ётқизилади.

“Туркистон” маҳалласи ҳам бундай қулайликдан баҳраманд бўлади. Маҳалла кўчаларининг 3.177 метрига асфальт ётқизилади.

“Нуробод” маҳалласидаги бир қатор ички кўчалар асфальт қилинади. “Абай” кўчасининг 18-мактаб олдигача бўлган масофасига пиёдалар йўлаги қурилади.

Бугун **“Токзор” маҳалласи** аҳлига ҳам омад кулиб боқди. 8 та узун, тор ва берк кўчалар асфальт қилинади, “Кичкина қаъни” кўчасида пиёдалар йўлакчасининг 400 метр қисми асфальтланади. Шу тариқа кўчаларнинг 3 минг177 метри асфальтланади.

“Бўстон” маҳалласи ички кўчаларининг шағал тўкиб, текисланган 3000 метри асфальтланади

Ғолибликни қўлга киритган **30-ДМТТда** иситиш тизимини замонавий радиаторларга алмаштириш, янги қозонхона қуриш, санузелларни (раковина, унитаз ўрнатиш) алмаштириш, болалар майдончасини қайта қуриш ва йўлакларни асфальтлаш ишлари амалга оширилади.

33-МТТда 50 дона тахта ромларни “Акфа” ромларига, 28 та эшикни “Акфа” эшикларига алмаштириш, бино фасади, машғулот, ётоқхона, омборхона, мусиқа хоналари, санузелларни таъмирлаш, сантехника ишлари – ўраларни таъмирлаш, боғчанинг кириш қисмига қоровулхона қуриш, кираверіш дарвозаси тепасини навес билан ёпиш ишлари амалга оширилади.

32-ДМТТнинг иссиқлик тизими, ёзги айвончалар таъмирланади, дераза ромлари ва эшиклар “Акфа” ромлари ва эшикларига алмаштирилади.

25-ДМТТнинг кириш дарвозасини янгилаш, ички йўлакларига асфальт қопламаси ётқизиш, 100 метр майдонни панжара билан ўраш, бинонинг ташқи фасад қисмини таъмирлаш, дераза ромлари ва эшикларни “Акфа” ром ва эшикларига алмаштириш ҳамда 6 та ёзги айвончаларни таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

Келгуси сафар бошқа жамоалар ҳам ғолиб бўлиши мумкин. Бунинг учун ҳамма ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиши керак бўлади. Чунки барча муваффақиятларнинг сири бирдамликдадир.

Халқ вакиллари ва сайловчилар ўртасида ҳамкорлик кучайтирилади

“Ташаббусли бюджет жараёнларини такомиллаштириш доирасида халқ вакиллари ва сайловчилар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори (ПҚ–264-сон, 29.08.2025 й.) қабул қилинди.

Қарорга кўра, Қонунчилик палатасида ташаббусли бюджет жараёнларини мувофиқлаштириш, лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан парламент назоратини олиб бориш учун 11 нафар депутатдан иборат парламент комиссияси ташкил этилади.

2026 йил 1 январдан депутатлар ҳар йили ташаббусли бюджет жараёнларида тегишли сайлов округларида ғолиб бўлмаган лойиҳалар орасидан аҳолининг кундалик ҳаёти ва ҳудудни ривожлантиришга таъсир қиладиган 2 та лойиҳани (ҳар мавсумда 1 тадан) “Очиқ бюджет” ахборот порталида танлайди.

Мазкур танлов лойиҳани республика бюджетидан молиялаштириш учун асос ҳисобланади.

Шунингдек, мазкур жараёнларда ғолиб бўлмаган лойиҳаларни молиялаштириш учун ҳар бир депутатга 1 йилда 2 мавсумга БҲМнинг 8 минг баравари миқдорида маблағ ҳар йилги республика бюджетида назарда тутилади.

2026 йил 1 февралдан ташаббусли бюджет жараёнларида ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни аҳоли ва давлат ўртасида шериклик асосида молиялаштириш амалиёти жорий этилади.

Ташаббускор аҳоли томонидан лойиҳалар қийматининг 50 фоизи ихтиёрий равишда молиялаштирилганда лойиҳалар ғолиб деб топилади ва қолган 50 фоизи республика бюджетидан молиялаштирилади.

ISTIQBOL
2025-yil 12-sentyabr / Juma / № 36 (6188)

► *Семинар*

ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИНИ ТЕЖАШ – МУҲИМ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Ушбу семинарда “Яшил энергия” МЧЖ, Ҳудудий электр тармоқлари, Ҳудудгаз, Миллий электр тармоқлари, "Узтрансгаз" АЖлар, солиқ ва тумандаги барча тижорат банклари масъул ходимлари томонидан энергия ресурсларини тежовчи ускуналарни (қуёш панели, гелиоколлектор, замонавий газ ускуналари ва бошқалар) ўрнатиш афзалликлари, иқтисод қилиш, технологик йўқотиш ва талон-торож қилиш ҳолатларининг олдини олиш юзасидан тушунтиришлар берилди.

Шу билан бирга, ИИВ ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаментига қарашли подстанциясини таъмирлаш, технологик йўқотишларнинг олдини олиш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.

Айнан шундай тадбир Бош прокурор ўринбосари С.Самадов раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ томонидан "Туропобод" маҳалласида яшовчи 150 нафарга яқин фуқаро ва тадбиркор иштирокида ҳам бўлиб ўтди.

Ўз мухбиримиз.

Туман прокурори Алишер Жўраевнинг ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида туман аҳолисига МУРОЖААТИ



Ҳурматли туманимиз аҳолиси!

Маълумки, сўнгги йилларда Зангиота туманида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиш борасида бир қатор тизимли ишлар амалга оширилмоқда.Ушбу йўналишда эришилаётган ютуқлар билан бирга, айрим жиноят турларининг камаймаётгани ҳануз ташвиш уйғотмоқда. Хусусан, туманимиз ҳудудида содир этилаётган ўғирлик жиноятлари, айниқса, тунги вақтларда чорва молларининг ўғирланиши ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилаётган ўғирлик ва фирибгарлик ҳолатлари юқори даражада сақланиб қолмоқда.

Юқоридаги ҳолатлар юзасидан ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ушбу жиноятларнинг содир бўлишига қуйидаги омиллар сабаб бўлмоқда:

фуқаролар томонидан чорва молларининг кечки вақтларда қаровсиз, очиқ жойларда қолдирилиши;

банк пластик карталарининг ҳимоя кодлари ижтимоий тармоқлар орқали нотаниш шахсларга маълум қилиниши;

онлайн савдо платформаларида маҳсулотни шахсан қабул қилмасдан олдин тўловлар амалга оширилиши.

Мазкур муаммоларни бартараф этиш ва жиноятларнинг олдини олиш мақсадида туманимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан профилактика чоралари кўрилмоқда. Бироқ, бундай жиноятлар ҳанузгача қайд этилмоқда.

Шу муносабат билан сиз, ҳурматли фуқароларимизга мурожаат қилган ҳолда, қуйидаги профилактик чораларни кўришингизни тавсия қиламиз:

Чорва молларини тунги вақтларда қаровсиз ҳолда, очиқ жойларда қолдирманг.

Молхона ва бошқа сақлаш жойларини ишончли ҳимоя воситалари (қўриқчи, идентификация белгиси, ГПС қурилма, кузатув камераси, ёритиш мосламалари ва бошқалар) билан таъминланг.

Банк пластик карталарингизга оид шахсий маълумотларни, айниқса, ПИН ва бошқа махфий кодларни бегона шахсларга берманг.

Онлайн харидлар бўйича тўловларни маҳсулотни шахсан қабул қилиб олганингиздан сўнг амалга оширинг.

Уйингиз хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўринг.

Фарзандларингиз тарбиясига жиддий эътибор қаратинг, уларнинг кимлар билан дўстлашаётганини назорат қилинг.

Биронбир ҳуқуқбузарлик ҳолатига гувоҳ бўлсангиз, дарҳол ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилинг.

Ҳурматли тумандошлар!

Бугунги замонда билим, ҳушёрлик ва шубҳачи бўлиш – ҳимоянинг энг кучли қуролидир. Ҳар қандай текин пул, инвестиция, ютуқ деган гаплар ортида фирибгар туриши мумкин.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши самарали курашиш учун сизларнинг ҳушёрлигингиз ва фаол фуқаролик позициянгиз муҳим аҳамиятга эга.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш орқали, биз туманимизда хавфсиз ва осойишта муҳитни таъминлаймиз.

ЕР – ХАЗИНА, КАЛИТИ ЭСА ДЕҲҚОН ҚЎЛИДА

Бир пайтлар болалигида отасининг ортидан эргашиб далага чиқишни канда қилмаган Дониёр Қобиловнинг ўзи бугун уста деҳқонга айланди. Мана йигирма йилдирки, отасидан ўрганган ер илмини қадрдон даласига қўллаб, кам бўлмаяпти.

Куз офтобида товланаётган экинларнинг ривожини кўриб, унга деҳқоннинг қанчалик машаққатли меҳнати сингганлиги ҳақида ўйлаб кетасиз.

Фермердан иккиламчи ижарага олинган шу бир гектар ер Дониёр учун ниҳоятда қадрли. Уқувли деҳқон унинг бир қаричини ҳам бўш қолдирмайди, ўша ерга ҳеч бўлмаганда тўртта уруғ ташланса, бир боғ кўкат бўлиб, ҳосили баракасини таъминлайди. Ахир “тома-тома кўл бўлур”, деб бежиз айтишмайди.

Ҳа, “камбағалман”, дейдиган, лекин томорқаси ҳувиллаб ётган айрим хонадон эгалари ер илмини Дониёрдан ўрганишса, арзийди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



Далада бир-икки ой – қишнинг қаҳратонида ҳукм сурган сокинлик ўрнини эрта баҳор эшик қоқиши билан деҳқоннинг қадам товушлари-ю, кетмоннинг ерга бир маромда урилгани эгаллайди. Ҳа, Дониёр энди эрта тонгдан далада пайдо бўлади, ёрдамчилари билан эртаки айсберг карамини экишга киришади. Бу йил 30 сотих ерга эккан айсберг карами 30-35 кунда сотувга етилди. Даромади ҳам чакки бўлмади, ҳаражатларини чиқариб ташлаганида чўнтагига 12 миллион сўм соф фойда кирди. Ернинг умрини бекор ўтказмаслик учун ўрнига дарров ширин жўхори уруғи қадашди. Унинг ҳам харидорлари кўп. Келиб даланинг ўзидан олиб кетишаяпти.

20 сотих майдонга экилган оддий карамнинг ҳам ҳосили чакки бўлмади. 10 сотих майдонга экилган бодрингдан 5 тонна ҳосил йиғиштириб олишди. Бодринг ерни узоқ вақт банд қилиб турмайди, 35-40 кунда узишга етилиб, 2 ой ҳосил беради. Шундай қилиб бодринг йиғиштириб олингач, унинг ўрнига қулупнай экишди. Ҳа, қулупнайнинг меҳнати анча оғир-у, лекин унда ҳам барака бор.

Қулупнайга маҳаллий, минерал ўғитларни бериб бўлгач, октябрь ойининг ўрталарида усти ёпилади. Декабрнинг бошларида дастлабки ҳосилни узиш мумкин. Кейин қишнинг икки ойида қулупнай “дам олади”. Кейинги ҳосил март ойида етилади.

– Плёнканинг афзаллиги шундаки, ҳосилни одатдагидан бир ҳафта олдин йиғиштириб олсангиз, қимматга сотасиз. – Шунинг ўзиёқ бир мавсумда оладиган даромадингизни беради. “Дуга”нинг четларини ҳам бўш қолдирмаймиз, кўкат, редиска сепамиз. Қарияларимиз бир пайтлар айтишарди-ку, “бу носвой пули” деб, – дейди ҳазил аралаш Дониёр, – буларни сотсак, кундалик рўзғорнинг сарф-харажатига асқотади.

Шу кунларда даланинг 10 сотихча бўшаган ерига саримсоқпиёз, нўшпиёз экилмоқда. Кейинчалик устига плёнка ёпилса, қишнинг биринчи ойида кўкат сифатида сотса ҳам бўлади. Сепилган исмалоқ ҳам ноябрь ойининг охирларида сотувга етилади.

– Деҳқончилик шундай таваккалчиликки, – дейди Дониёр, – об-ҳавоми ёки бошқа сабабданми, бирорта экиндан интиқлик билан кутган ҳосилингизни ололмаслигингиз мумкин. Лекин кутмаган жойингиздан унинг ўрни қопланади. Фақат ҳалол меҳнат қилсангиз бас.

Ерни хазина дейишади, унинг калити эса деҳқоннинг қўлида. Дониёрнинг меҳнатини кўриб ана шундай хулосага келдик.

* * *

“Қаҳрамон” маҳалласида шу ерлик 15 нафар томорқа эгалари учун қисқа муддатли ўқув курсини ташкил этиш ишларига ҳоким ёрамчиси Исматбек Ураев ва маҳалла фуқаролар йиғини раиси Акмал Бегматовлар бош-қош бўлишди. Ўқув курси тингловчилари Дониёрнинг даласига боришди. Уста деҳқон уларга ўз иш тажрибасини ипидан-игнасигача баён этди.

Жамила АРСЛОНОВА.

ISTIQBOL
2025-yil 12-sentyabr / Juma / № 36 (6188)

► *Лавҳа*

Бўзсувга бориб қайси кўчага кирманг, қайси хонадон остонасига қадам қўйманг, қишлоқнинг ўзига хос тароватию одамларининг ўзгача лутфу эҳтироми билан тўқнашасиз. Ҳа, қишлоқ одамларидан беғуборию оддий ва соддадили бўлмаса керак. Айниқса, уларнинг меҳмоннавозлигини айтмайсизми...





МЕҲР-МУҲАББАТ, ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ОШЁНИ

“Чинор” маҳалласилик 73 ёшли Машкура опа Исмоилова ҳам чеҳрасидан нур ёғилиб турадиган онахонлардан бири. Шу ёшида ҳам сира тиниб-тинчимайди, ундан томорқасию даладаги ишлар қочиб қутулолмайди. Бир пайтлар... Онахон ёшлигини кулиб эслайди.

– Шаҳарда яшардик, тикувчиликда, оёқ-кийим тикиш фабрикасида ишлаганман, – дейди у. – Шаҳри азимдан қишлоққа келин бўлиб тушганман. Турмуш ўртоғим тракторчи эдилар, дарахтларга, экинларга дори сепардилар. Далага чиқиб ишламайман, деб туриб олганман. Болали бўлдим, 7-8 йил уйда ўтириб зериқдим, шароит бирор ишда ишлашимни тақозо этди. Боғчага ишга кирдим, кейин фермада соғувчилик қилдим. Шу-шу мол-ҳолга, дала ишларига қизиқиб кетдим. Далада ишлаш шунчалик завқли эдики, чарчаганимни ҳам билмасдим, гуркираб ўсаётган экинлар, шиғил ҳосил тугадиган дарахтларга қараб кўзим қувонар, кайфиятим кўтарилар, ўзимни бардам ҳис этардим.

Шу тариқа Машкура опа далачиликка маҳкам боғланиб қолди. Оилавий пудрат усулида олма, узум боғлари ташкил этишди, 2006 йилда “Зуҳриддин” фермер хўжалигига асос солишди. 2 гектар ерда узум етиштиришди.

Машкур опа ва Муҳиддин аканинг биргаликда аҳил, ҳамфикр яшаётганларига ҳам ҳадемай ярим аср бўлади. Улар ўтаётган умрларидан, турмушларидан мамнунлар. Уч ўғил, бир қизни уйлаб-жойлашди. 12 неварани бува, бувиси бўлиб, қарилик гаштини суришаяпти. Фарзандларининг бири ГЭСда, яна бири сартарош бўлиб ишламоқда. Камолиддин эса ота-онаси касбини давом эттириб, фермер даласидан ижарага бир гектар ер олиб, деҳқончилик қилмоқда. Унга оиласининг барча аъзолари ёрдам беради. Айниқса, ота-онасининг тажрибалари, маслаҳатларига амал қилиб, сабзавот ва полиз экинларидан мўлкўл ҳосил етиштирмоқда.



Хонадондаги томорқа ҳам ҳеч қачон бўш турмайди. Анор, олма, узум, хурмо, ўрик каби мевали дарахтлар қаторидан рўзғор учун асқотадиган сабзавот экинлари ҳам ўрин олган. Бу йил Машкура опа нўхат экиб кўрди. Уни йиғиштириб олгач, ўрнига булғор қалампири, бақлажон экди. Хуллас, томорқадан чиққан маҳсулот таомларни мазали қилишга ҳам, турли салатлар тайёрлаб, қишга жамғаришга ҳам етади.

Оила катталаридаги аҳиллик келинларга ҳам ўтган. Улар бир-бири билан опа-сингиллардек бўлиб кетишган. Катта оиладаги 10 нафар катта-кичик болаларга келинларнинг бири қараса, бошқа келин таом тайёрлаш билан банд. Бир келин эса далага ишлагани кетади. Ҳавас қиладиган жойи шундаки, оилада сансалорлик йўқ. Яна оиланинг “табиби” ҳам бор. Сигирнинг сут-қатиғи оила аъзоларининг саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

* * *

Маҳаллада яна бир ибратли оила бор.

Қутбилла ака хонадонига қадам босган кишини бир пиёла чойсиз жўнатмайди, у кишининг иши жуда зарурми, шошилиб турибдими, фарқи йўқ, “келмоқ ихтиёр билан, кетмоқ ижозат билан”, дейди-да, уйнинг тўрига бошлайди.

Қутбилла ака турмуш ўртоғи Мамлакат опа билан қариндош бўлишган.

– Ота-боболаримиз новвой ўтишган, – дейди Мамлакат опа. – Ҳар жума одамларга тўрттадан нон тарқатишни канда қилишмасди. Отам Собир ака ҳар йили сумалакни жуда тобига келтириб пиширардилар ва одамларга улашардилар. Эсимда, маҳалламизга шаҳардан бир оила кўчиб келганди, отам ҳар куни шу қўшнига “қўшни ҳаққи”, деб бир коса қаймоқ ва иссиқ нон чиқарардилар.

Бу гапларни тингларканмиз, Қутбилла ака ва Мамлакат опага бу ҳислатлар ота-боболаридан ўтган экан-да, деган хулосага келдик. Оиласида тўнғич фарзанд бўлгани учун ука-сингиллари ҳамиша Қутбилла аканинг маслаҳатларини олиб кам бўлишмаяпти.

Қутбилла ака болалигидан далада ишлаб, деҳқончиликка меҳр қўйди. Қулупнайдан тортиб сабзавот экинларию қовоққача экди. 15 йил маҳаллага ичимлик суви келтириш ишларига бош-қош бўлди. Мамлакат опа билан 4 ўғилни муносиб фарзандлар қилиб тарбиялади.

Катта ўғли Жаҳонгир ёнгинасидаги участкада яшайди. Отасидан ўрганганлиги боис томорқасини гуллатиб, хазинага айлантириб қўйибди. Даврон ҳам алоҳида яшайди. У чорвачиликка ишқибоз. 10 тача сигир-новвослари бор. Қолган икки ўғил ота-онаси бағрида яшамоқда.

Қадимда Бўзсув қишлоғи қирлару жарликлардан иборат бўлиб, бу ер ёввойи ҳайвонлар кони эди. Кейинчалик одамлар кўчиб келиб, ерларни эпақага келтириб, деҳқончилик билан шуғулланa бошлашган. Ҳозирда ҳам Бўзсувга борган киши пасту баландликларга кўзи тушади. Қутбилла аканинг уйининг орқа томони ҳам жарлик бўлган. Унинг икки сотихчасини тўлдириб, текислаб, пастликка лимон экканида 1990 йил эди. Ҳозирда ҳам лимонлар яшнаб, ҳар йили мўл-кўл ҳосил бермоқда. Бу лимонзор пенсияга чиққан Қутбилла ака Турсуновнинг эрмаги.





...Қутбилла ака томорқасидаги мевали дарахтлари қаторидаги ҳосилини катта-катта япроқлари билан бекитиб турган анжир дарахти сари яқинлашиб, пишган меваларни узиб олиб, ҳовучида Мамлакат опага узатди:”Ол, онаси...”.

Жамила АРСЛОНОВА.

ISTIQBOL

2025-yil 12-sentyabr / Juma / № 36 (6188)

Ўзбекистон касаба уюшмаларининг 120 йиллиги олдидан

Касаба уюшмалари: МАҚСАДИМИЗ ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИГА ҲИССА ҚЎШИШ

Мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида кейинги йиллар туб маънода тарихий ўзгаришлар, улкан ютуқларга бой йил бўлди.

Айнан шу даврда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакат иқтисодиёти, маданияти ва маънавиятида, ижтимоий-сиёсий ҳаётида, халқнинг турмуш тарзида, дунёқарашию тафаккурида демократик ўзгаришлар юз берди.



Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар фуқароларимизнинг фаровон ҳаёт кечиришлари, учинчи ренессанс қурувчиларини тарбиялашга қаратилгандир. Бугун юртимизда “Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари” шиорининг барча соҳаларда рўёбга чиқаётганлигига гувоҳ бўлаяпмиз.

Биргина таълим соҳасини олайлик. Куни кеча Юртбошимиз томонидан ўтказилган таълим соҳасидаги ислоҳотлар ижроси ва келгусидаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида таълим соҳасида туб бурилишлар ясалди. Умумтаълим мактабларининг моддий техника базасини ривожлантириш, замонавий мактаб, Президент мактабларини ташкил этиш бўйича олиб борилган сермаҳсул ишлар, таълим муассасаларида фаолият юритаётган ўқитувчи-педагоглар, тарбиячиларнинг нуфузини ошириш борасида олиб борилаётган ишлар натижасида ушбу тизимда таълим-тарбия сифати кескин ошмоқда.

Эришилган бу ютуқларда касаба уюшмаларининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Зеро, миллионлаб меҳнаткашларни ўз сафида бирлаштирган оммавий жамоат ташкилоти ҳисобланган касаба уюшмалари мамлакатимизда олиб борилаётган одилона сиёсатни қўллаб-қувватлаш билан бирга иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга оширишда ҳам елкадош бўлиб келмоқда.

Айниқса янги қабул қилинган “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини касаба уюшмалари фаолларининг ўз хизмат вазифаларини янада ривожлантириш, такомиллаштиришга аниқ йўл очиб берди.



Зангиота туманида ҳам мавжуд касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан бир қанча ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда. Чунончи, **Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Зангиота тумани ташкилотида** жами аъзолар сони 3 минг 870 нафарни ташкил қилиб, улардан 3 минг 74 нафари аёл ходимларни ўзига бирлаштирган 76 та бошланғич касаба уюшма ташкилотидир.

Касаба уюшма аъзоларининг 401 нафари ишлаётган пенсионерлар, 67 нафари ишлаётган ногиронлар, 115 нафари кам таъминланган ходимлар, 2 нафари Афғон уруши қатнашчилари бўлиб, уюшма томонидан уларга яна алоҳида эътибор қаратилади.

Касаба уюшмаси ўз ходимлари ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясининг ҳуқуқий негизини шакллантириш, меҳнат муҳофазаси, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, дам олишларини ташкил этиш, ходимларнинг ойлик маошларини ўз вақтида олишларини назорат қилиш, жисмоний тарбия ва маънавий – маърифий ишлар, касаба уюшмалари фаоллари ўқувини уюштириш, тармоқ ходимларининг фарзандлари ва фахрийларга, кам таъминлаган, кўп болали, ёлғиз, ногирон, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоя қилиш мақсадларида бир қанча ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда.

Касаба уюшмаси туман бўлинмаси кенгаши, бошланғич ташкилотлар Мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошқарув аппарати ва муассасалар маъмурияти билан ҳамкорликда ҳамда ҳомий ташкилотлар ёрдамида йиллар давомида турли тадбирлар ўтказилди. Жорий йил бошидан эса туман кенгаши ташаббуси билан туман миқёсида 4 та спорт, ўндан зиёд маданий тадбир, байрамлар ўтказилиб, касаба уюшмаси ва ҳомий ташкилотлар томонидан ҳар бир тадбир ғолиблари муносиб рағбатлантирилди.

Таълим муассаса ходимларининг фарзандлари ва фахрийларга, кам таъминланган, кўп болали, ёлғиз, ногирон ходимларни ижтимоий-ҳимоя қилиш мақсадларида бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларининг тавсия ва қарорларига биноан моддий ёрдам пуллари уларнинг пластик карточкаларига тушириб берилди. Тармоқ ходимларини юбилей саналарида ва нафакага кузатаётганда уларга туман касаба уюшмасининг эсдалик совғалари бериб борилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган, ногиронларни парваришлаётган оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳам туман кенгашининг диққат-марказида. Тармоқда меҳнат қилаётган кўп болали аёлларга берилган имтиёзларни рўёбга чиқариш ва уларни ижтимоий ҳимоялаш ва кам таъминланган ходимларни қўллаб-қувватлаш максадида жорий йилнинг саккиз ойи мобайнида 85 нафар кам таъминланган ходимларга ўртача 400 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди ва бу жараён давом этмоқда.

Шу билан биргаликда ходимларнинг фарзандларини болалар оромгоҳларида дам олишини ташкил этиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан жорий йилда 45 нафар ходимларнинг фарзандлари шаҳар ташқарисидаги болалар оромгоҳларида соғломлаштирилди.

Дарвоқе, 2025 йилнинг май ойида ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишида Туман кенгашида ҳисобот йили давомида фуқароларнинг 1250 та ёзма, 320 та оғзаки мурожатлари рўйхатга олингани қайд этилиб, шулардан моддий ёрдам ва сиҳатгоҳларга йўлланма ажратиш бўйича 1150 та, меҳнат шартномасини бекор қилиш ва интизомий жазо бўйича 15 та, иш ҳақи масаласида 16 та, касаба уюшмасига оид бўлган масалалар юзасидан 5 та, бошқа масалалар бўйича 64 тани ташкил этгани таҳлил қилиб берилган. Фуқароларнинг мурожаатлари ўз вақтида ўрганилиб, ҳуқуқий ҳимоя юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилгани, юзага келган муаммоларни ҳал этишда фуқароларга амалий ёрдам берилгани таъкидланган эди. Соҳада ишнинг шундай тизимли йўлга қўйилгани ва бу ўз самарасини бераётганини эътироф этиш жоиз.



– Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, нафақат ходимлар, балки иш берувчиларнинг ҳам ҳуқуқий билимлари етарли бўлмаганлиги натижасида гоҳида иш берувчи ва ходим ўртасида келишмовчилик чиқиб қолади, – дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Зангиота тумани бирлашмаси кенгаши раиси Гавҳар Мўминова, – бундай вазиятлар зудлик билан ўрганилиб, тегишли чоралар кўрилади. Йиллар давомида тўплаган тажрибамдан келиб чиқиб айтаманки, инсонларга тўғри яшаш, тўғри ишлаш, бировнинг ҳақига хиёнат қилмаслик, одамларга қўлдан келганча ёрдам бераверишдан, амалда кўрсатишдан чарчамайман. Мақсадимиз битта: у ҳам бўлса, халқимизнинг фаровон турмуш кечиришига муносиб ҳисса қўшиш, халқнинг розилигига эришиш.

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Зангиота тумани кенгаши бугунги кунда ўз тасарруфига 1 минг 200 нафардан зиёд аъзоларини бирлаштирган бўлиб, уюшма томонидан аъзолар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб келинмоқда.



– Жорий йилда аъзоларимизнинг 30 нафари ўз соғлиқларини тиклашлари учун юртимиздаги турли сиҳатгоҳларда дам олдилар, -дейди касаба уюшмаси Зангиота тумани кенгаши раиси Тўлқин Холиқов, – бундан ташқари ишчи-ходимларнинг 35 нафар фарзандларига болалар оромгоҳларига йўлланмалар бердик, ички туризмни ривожлантириш, аъзоларнинг маданий дам олиб дунёқарашларини янада кенгайтириш мақсадида 150 нафар ходимларни Зоминга, 50 нафар ходимни кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд, яна 50 нафар ходимни Бухорога саёҳати ташкиллаштирилди, 100 нафар фуқаро эса Ўзбек миллий академик драма театрига бориб, маънавий озуқа олди. Бу каби ишлар йил давомида давом эттирилади.

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Зангиота тумани кенгаши ўзига 1 минг 500 аъзони бирлаштирган. Жорий йилнинг шу давригача уларнинг икки нафарига моддий ёрдам берилди, икки нафари “Оқтош”, икки нафари “Хумсон” сиҳатгоҳларида дам олиб қайтишди, ўндан зиёд маданий-спорт тадбирлари ўтказилди. Икки марта 100 нафар касаба уюшма аъзолари Зоминга саёҳатга олиб борилди...

Икки мингга яқин аъзога эга бўлган **туман Тиббиёт ходимлари касаба уюшмаси** ҳам бошқа касаба уюшмалари сингари кўплаб ижобий ишларни амалга ошириб келмоқда. Тасарруфидаги ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борми, турли тадбирларга хомийлик қилиш борми, нафақадаги тиббий ходимлар кўнглини олиш борми, ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимлар ва уларнинг фарзандларига ёрдам қўлини чўзиш борми – барча-барчасига касаба уюшмаси ҳозиру нозир. Тўғри-да, савоб ишни қанча қилсак, шунча оз!

Юртимизда инсон қадри йўлида амалга оширилаётган улкан ишлар давлатимиз ва жамиятимизни тараққиётнинг мутлақо янги босқичига олиб чиқди. Янги Ўзбекистоннинг бу борадаги ютуқлари бугун халқаро миқёсда ҳам тан олиниб, юксак баҳоланаяпти. Олиб борилаётган янгиланиш ва ўзгаришларда касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этиб, ислоҳотларни қўллаб-қувватлаган ҳолда турли соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида тизимли ишларини янада юқори босқичларга чиқаришлари шубҳасиз.

Дилбар ШАРИПОВА.

ISTIQBOL

2025-yil 12-sentyabr / Juma / № 36 (6188)

► *Маънавият*

Ота-она ўз боласига гўзал одоб-ахлоқдан афзал нарса бера олмайди, дейилади ҳадисларимизда. Ҳақиқатан ҳам, шундай. Ҳар бир инсон дунёга покиза ҳолатда келади, уни муҳит, жамият тарбиялайди. Одоб-ахлоқ, ҳусни-ҳулқ, тарбия – инсоннинг маънавий-маърифий бойлигидир.

ТАРБИЯ – БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ВАЗИФА



Бола тарбияси масъулиятли вазифа. Бола учун биринчи тарбиячи, жавобгар устоз ота-она ҳисобланади. Ота-онанинг ўзи тарбияли бўлса, фарзанди ҳам шундай бўлиб вояга етади. Халқимизнинг: «Қуш уясида кўрганини қилади", деган нақли бежиз айтилмаган. Ўғил болалар отасидан, қиз болалар онасидан кўпроқ тарбия, ўрнак оларкан.

Бола тарбиясида меҳрли тарбия услубини қўллаш афзалдир. Чунки меҳрибонлик қалбларга илиқлик бағишлайди. Одоб турлари кўз қарашда, сўрашишда, сўзлашишда, уйда, кўчада, жамоада, катталар олдида, овқатланишда, мактабда ва бошқаларда намоён бўлади.

Масалан, қарашнинг ўзида ўндан ортиқ одоб бор: меҳр билан, қаҳр билан, айёрона, зимдан, тик қараш, кулиб қараш ва бошқалар.

Гўзал салом бериш, саломга алик олиш ўзбек миллатидек ҳеч бир миллатда йўқ. Чунки салом бир-бирига омонлик, тинчлик тиламоқдир.

Америка олимлари Японияннинг ҳар жабҳадаги ютуқ ва тараққиёт муваффақиятларини ўрганиш учун келишади. Японияда ер ости бойликлари, газ, нефт, олтин, кумиш конлари йўқ. Хўш, бўлмаса бу муваффақиятларнинг сири нимада экан? Америкаликлар бир неча ой ўрганишлар натижасида тараққиёт ва ютуқлар ахлоқ-одобда, покликда эканини аниқлашган. Ўзаро ҳурмат, тўғрилик, озодалик, оилавий одоблар бошқа миллатларга қараганда ўта юқори экан.

Бизда-чи, тежамкорлик, муомала, поклик, озодалик, кийиниш одобларига эътиборимиз қай даражада? Оилавий ажримлар, бир ота-она, бир ака-уканинг уй, мерос талашишларини қандай баҳолаш керак? Мактаб ўқувчилари ўртасида жанжаллар гоҳ-гоҳ учраб турса ҳам дилларни ранжитмоқда. Устозларни ҳурмат қилиш, илм бериш, ўқувчи илм олиш одобларида тарбиявий эътиборни кучайтириш ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиздир. “Маҳалла, оила, мактаб” ҳамкорлигини кучайтириб, улар томонидан ўтказиладиган тарбиявий тадбирларга алоҳида эътибор берайлик. Бугун – ахборот технологиялари юқори чўққиларга кўтарилаётган бир пайтда фарзандларимизни нотўғри ахборот олиш, нотўғри йўлларга қадам қўйишдан асрайлик.

Фозилжон АЛИМОВ,
меҳнат фахрийси.

► *Қонунчиликдаги янгиликлар*

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШДА ТАЛАБ ҚИЛИНАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР СОНИ ҚИСҚАРТИРИЛАДИ

“Давлат хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ҳамда соҳада бюрократик тартиботларни тубдан қисқартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Фармони (ПФ–157-сон, 08.09.2025 й.) қабул қилинди.

Фармонни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсадлар этиб қуйидагилар белгиланди, жумладан:

2028 йилгача ЯИДХП (my.gov.uz) ва давлат хизматлари марказлари орқали тақдим этиладиган хизматлар сонини 900 тага етказиш;

проактив давлат хизматлари сонини 53 тага ҳамда композит давлат хизматларини 74 тага етказиш.

Фармонга кўра, 2025 йил 1 декабрдан идоралараро ахборот алмашинувини йўлга қўйиш орқали қуйидагилар бекор қилинади, жумладан:

никоҳни расмийлаштиришда ФҲДЁ органлари томонидан никоҳланувчи шахслардан тиббий кўрик натижаларини тақдим қилиш талаби;

никоҳдан суд қарори асосида ажратилганда никоҳдан ажралганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини шакллантириш учун ФҲДЁ органлари томонидан суд қарорининг талаб қилиниши;

автомототранспорт воситасининг рўйхатдан ўтганлик гувоҳномасида автомототранспорт воситаси мулкдорининг манзилини кўрсатиш талаби.

Фарҳод ХАЙИТМЕТОВ,
туман давлат хизматлари маркази директори.

► *Мутахассис тавсияси*

БЕҲИ КАСАЛЛАНГАНДА

Беҳининг монилиоз (мева чириш) касаллиги кейинги 5-6 йил ичида юртимизнинг деярли ҳамма вилоятларида учрамоқда. Монилиоз билан зарарланганда беҳининг баргларида олдин кичик, нуқтасимон қизғиш доғчалар пайдо бўлади. Улар катталашиб, сарғиш ёки тўқ-қўнғир, деярли қора тусли доғларга айланади, барг қўнғир тус олади. Кейинчалик баргнинг устки томонидаги катта томирлари бўйлаб, доғлар устида кулранг моғор ривожланади. Кучли зарарланган барглар тўкилади ва новдалар яланғоч бўлиб қолади. Беҳини бу касалликдан ҳимоя қилиш учун профилактик, агротехник ва кимёвий кураш чора-тадбирлари комплексини қўллаш талаб этилади.

Э.ЮСУПХОДЖАЕВ,
М.АНАРБАЕВ,
Ўсимликлар карантини ва ҳимояси Навоий ЎКЧМ инспекторлари.

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА – БАРҚАРОР ҲАЁТ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил 18 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизими натижадорлигини янада оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори маҳаллаларда жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини оширишни кўзда тутади. Қарорга мувофиқ, юқори жиноятчилик даражаси кузатилаётган ҳудудларда замонавий видеокузатув камераларини ўрнатиш, уларни сунъий интеллект асосида ишлайдиган дастурий таъминот билан боғлаш белгиланди. Шунингдек, аҳолининг уй-жойлари ва тадбиркорлик субъектларида мулкни техник воситалар ёрдамида ҳимоя қилиш даражасини ошириш режалаштирилган.



Мазкур янгиликлар фақат техник ечимлар билан чекланиб қолмайди. Қарорда маҳалла даражасида жиноятчиликка қарши мақсадли чора-тадбирлар концепцияси ҳам тасдиқланди. Бу эса ички ишлар органлари, прокуратура ва ҳокимликларнинг бевосита маҳалла билан ҳамкорлигини кучайтиради. Эндиликда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари муаммоларни жойида ўрганиб, уларни тезкор ҳал этишга эътибор қаратади.

Шу орқали жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича профилактик ишлар тизимли ва самарали тус олади. Энг муҳими, маҳаллаларда яратиладиган хавфсиз муҳит одамларнинг ўзаро ишончини ошириб, жамиятда барқарорликни мустаҳкамлайди. Зеро, хавфсизлик бўлмаса, тараққиёт ва фаровонлик ҳақида гапириш мушкул.

Қабул қилинган ушбу чора-тадбирлар халқимиз ҳаётини янада хотиржам, маҳаллаларимизни эса янада мустаҳкам ва ҳамжиҳат маскан сифатида кўришга хизмат қилади. Хавфсиз маҳалла – бу нафақат бугунги кун талаби, балки барқарор ҳаётнинг кафолатидир.

Р.ХУРСАНОВ,
туман Адлия бўлими Юридик хизмат кўрсатиш маркази Бош юрисконсульти

ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ

“Назарбек” маҳалла аҳолиси учун ташкил этилган тадбир "Жаҳолатга қарши маърифат" деб номланди.

Унда диний ақидапарастлик ва мутаассиблик ғоялари тарқалишининг олдини олиш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, динлараро ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш ҳамда терроризм ва экстремизм ғояларига қарши курашиш бўйича иммунитетни шакллантириш ҳақида гап борди.

Тадбирда туман тарғибот гуруҳи аъзоси Н.Мавлонбекова иштирок этиб, мавзу доирасида суҳбат ўтказди ва йиғилганларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Ўз мухбиримиз.

Маърифатпарвар жадид Шокиржон Раҳимий 1898 йили Тошкентда туғилган. Отаси Раҳимжон зиёли инсон бўлиб фарзандларининг тарбияси ва таълимига жиддий эътибор берган. Аммо касаллик боис эрта вафот этган. Онаси Шарофатхон фарзандлари Собиржон, Шокиржон ва Ғофуржоннинг кейинги тарбияси билан ўзи шуғулланган. Тикувчилик қилиб оила турмушини тебратган.



Шокиржон РАҲИМИЙ (1898–1938)

Таълим жонкуярининг қисмати

Шокиржон дастлабки таълимни отасининг мактабида олган. У 1903 – 1909 йиллари мадраса таҳсилини кўрган. Шунингдек, кечки рус-тузем мактабида ўқиган. 1919 – 1921 йиллари Тошкентдаги маориф институтини тамомлаган.

Шокиржон Раҳимий фаолиятини мактабда муаллимликдан бошлаган. Тошкентнинг “Тахтапул” маҳалласида отаси очган “Раҳимия” мактабида 1909 – 1919 йиллари муаллимлик қилган. Ўқувчиларга ўқиш ва ёзишни ўргатар экан, Шокиржон Раҳимий мактабдаги таълим жараёни моҳияти ҳақида: “Мактаб болаларни фақатгина ўқитиб қолмай, уларнинг маънавий дунёсини ва жисмоний қувватини ривожлантириши, дунёқарашини миллий қадриятлар, тарихий анъаналар руҳида шакллантириши, ўз Ватанини юракдан севган фаол фуқароларни тарбиялаб етиштириши зарур”, деб ёзади. Жадид намояндалари билан доимо алоқада бўлиб, мактаблар учун 1912 йили ўзининг дастлабки дарслигини яратган. Жадид зиёлилари ташаббуси билан 1914 йили ташкил этилган “Турон” театрида саҳна асарларини яратиш ишида иштирок этган. У театрда суфлиёрлик вазифасини бажарган. Шу билан бирга, 1914–1915 йиллари Тошкентда нашр этилган “Садойи Туркистон” газетасининг адабий ходими бўлган. 1916 йил Россия империясининг мардикорликка олиш ва унга қарши халқнинг норозилик чиқишида фаол иштирок этган. 1917 йили “Фуқаҳо” жамиятининг котиби бўлган. Жамият нашри афкори бўлган “Изҳор ул ҳақ” журналида ўзининг мақолалари билан иштирок этган.

Тошкентда 1918 йили ташкил этилган Мусулмон Халқ дорилфунунида кўплаб жадид намояндалари қаторида муаллимлик қилади. У 1919 йили нашр этила бошланган “Иштирокиюн” газетаси фаолиятида ҳам иштирок этган. Шунингдек, Абдурауф Фитрат томонидан 1919 йили ташкил этилган “Чиғатой гурунги”нинг аъзоси бўлган. Аммо бу жамиятнинг фаолиятига совет ҳукуматининг мустаҳкамланиб бориш жараёнида тўсиқ қўйилган. Шунга қарамай Шокиржон Раҳимий жадид зиёлилари томонидан 1923 йили тузилган “Нашри маориф” жамиятининг ташкил этилишида фаол иштирок этган. “Нашри маориф” жамиятининг раиси бўлиб унинг фаолиятини бошқарган. Шокиржон Раҳимий 1918 – 1923 йиллари Тошкентнинг эски шаҳар ва 1924 йили эса Тошкент вилояти халқ маориф бўлимларида мудир, айни пайтда 1-босқич мактаблар, таълим ва тарбия билим юртларида ўқитувчи ва мудир бўлиб ишлаган.

Ўзбек осори-атиқаларининг сақлаш ва уларнинг музейларини ташкил қилиш, археологик тадқиқотлар олиб бориш масаласини тарғиб қилган. Фарғона водийси бўйлаб саёҳат қилиб тарихий ёдгорликларни ўрганган. Мактабларда ўлкашунослик бурчаклари ташкил этиш таклифи билан чиққан. Даврий матбуотда ўз мақолаларида маданий меросни сақлаш, ўлкашунослик музейлари ташкил этишга доир таклиф ва тавсияларини берган.

Шокиржон Раҳимий 1924 – 1927 йиллари Москвада ўзбек ўқувчилари учун очилган ишчилар факультетига мудирлик қилган. У 1927 йили Тошкентга қайтиб маориф соҳасидаги фаолиятини давом эттирган. Мактаблар учун дарсликлар ёзган. Совет ҳукуматининг қатағон сиёсати авжига чиққан 1937 йили Тошкентдаги кўзи ожизлар мактабида ўқитувчи ва услубчи бўлиб фаолият юритган.

Маориф соҳасида фаолияти билан бирга мактаблар ва таълим муассасалари учун дарсликлар ёзган. У дарсликлар яратиш жараёнида маърифатпарварлик ғояларини илгари суришга, миллий тилни юксалтиришга, миллий маданият ва дунёқарашни, қадимий анъаналарни сақлашга ҳар доим катта аҳамият берган. Бундай китобларнинг сони эса ўндан ортиқ. Боланинг миллий онгини уйғотиш ва уни миллий анъаналар руҳида тарбиялашни биринчи синфдан бошлаб амалга ошириш зарур деб ҳисоблаган Шокиржон Раҳимийнинг “Совға”лар такомил қиладир” мақоласида шундай ёзади: “Болаларнинг онгида миллий руҳ алифбо орқали сингдирилиши керак”. Ўша давр болаларининг тайёргарлиги ва тасаввурларини ҳисобга олган ҳолда у қишлоқ ва шаҳар болаларига алоҳида-алоҳида “Совға” (1919), “Алифбо дарслиги” (1922) каби алифбо дарсликларини яратди. Шунингдек, катталар учун “Катталарга ўқиш” (1920), катта ёшдаги кишилар учун 1924 йили “Марказ саводсизликни битирув фавқулодда комиссияси” томонидан 15 минг дона босилган “Катталар йўлдоши” номли алифбосини тузади. “Катталар йўлдоши” икки йил ичида тузатилиб, тўрт маротаба нашр этилган. Бундан ташқари, “Катталар алифбоси” (1927), “Савод” (1930), “Ўзбек тили, Иш китоби” (1932), “Ўзбек тили дарслиги”, “Грамматика ҳам имло” (1934), “Ўзбек маорифи” (1923) каби махсус дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ҳам яратди. “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1928 йил 28 август сонидаги янги асарлар номли саҳифасида Раҳимийнинг “Жонли товушлар” номли яна бир янги алифбо китоби нашрдан чиққанлиги ҳақида эълон қилинади. Унга кўра Шокиржон Раҳимий муаллифлигида нашрга тайёрланган бу мўъжаз китобча болалар учун мўлжалланган кичик ҳажмли китобча эканлиги ҳақида маълумот берилади. Аммо бу китобчанинг бугунгача етиб келган-келмаганлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот учрамайди. Унинг бу китоблари имлодан имлога ўтиш йилларида кенг халқ оммасига хизмат қилган.

Шокиржон Раҳимий Тошкент шаҳрининг “Қаҳрамон” кўчаси, 35-уйда истиқомат қилган. Унинг турмуш ўртоғи Солиҳахон ва уларнинг Лола исмли қизлари бўлган.

Шокиржон Раҳимий 1937 йил 5 августда “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси сифатида қамоққа олинган. “Аксилинқилобий” ташкилот фаолиятида қатнашганликда айбланиб, бир йил давомида терговда бўлган маърифатпарвар 1938 йил 4 октябрда отиб ташланган. Унинг устидан чиқарилган ҳукмнинг суди шу йилнинг 5 октябрида бўлиб, 25 дақиқа (15:20 – 15:45) давом этган ва олий жазо белгиланган.

jadidlar.uz
сайтидан олинди

ЯШИЛ ЭНЕРГЕТИК ТИЗИМГА ЎТИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

▲ Семинар

Ҳеч кимга сир эмас, ер шари аҳолиси муттасил кўпайишда давом этаяпти, шунга яраша табиий ресурслар захираси ҳам қисқармоқда. Бу эса дунё мамлакатларини танг аҳволга солиб қўймоқда. Шу сабабли ҳам кейинги йиллар ичида яшил энергетик (қайта тикланувчи энергия манбалари) тизимга ўтишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу тизимга ўтиш дунё миқёсида тугаб бораётган энергия ўрнини тўлдирса, иккинчидан атмосферага чиқаётган ҳавонинг ифлосланиши ва глобал иқлим муаммоларини юмшатишга хизмат қилади. Бу борада юртимизда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.





2019 йилда республикамизда “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегияси қабул қилинган бўлиб, унда яқин ўн йилда мамлакатда углерод сарфини кескин камайтириш, иқтисодиётнинг барча тармоқларида экологик тоза ва ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш, қайта тикланувчи, самарали энергия манбаларидан кенг фойдаланиш кўзда тутилган.

Яқинда “Обод турмуш” маҳалласида “Абдужалилбоб”, “Обод турмуш”, “Катта чинор” маҳаллалари аҳолиси учун ташкил этилган яшил энергетикадан фойдаланиш бўйича кўргазмали семинарда ана шу ҳақда гап борди, яшил энергетиканинг афзалликлари атрофлича, жонли мисоллар ёрдамида тушунтирилди.

Бундан ташқари кузатиш мавсумига тайёргарлик кўриш масалалари бўйича ҳам соҳа мутахассислари томонидан тушунтириш ишлари олиб борилди.

Ж.АМИРОВА.

ISTIQBOL
2025-yil 12-sentyabr / Juma / № 36 (6188)



“Файз” маҳалласида “Илк ривожланиш маркази”нинг очилиши бўлиб ўтди.

"Илк ривожланиш маркази" очилди

Унда иштирок этган туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар бўлими раҳбари Саодат Усмонова, туман Мактабгача ва мактаб таълими бўлими мудири Илҳом Ҳолмирзаевлар юртимизда давлатимиз томонидан болажонларга қаратилаётган катта эътиборни алоҳида қайд этишиб, марказнинг фаолиятига муваффақият тилашди.

Марказнинг асосий мақсади – туман ҳудудида камбағаллик қатламига мансуб оилалар фарзандлари ҳамда алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган болаларни мактабгача таълимга ҳеч қандай тўловларсиз қамраб олишдан иборат.





Марказ фаолияти йўлга қўйилиши билан тумандаги 200 дан ортиқ бола мактабгача таълимга жалб этилади, шунингдек, 15 нафар ходим доимий иш ўринлари билан таъминланди.

Мазкур марказнинг очилиши ҳудудда ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг сифатли таълим олиши учун кенг имкониятлар яратишда муҳим қадам бўлди.

Туман ҳокимлиги Ахборот хизмати.

► *Кутлов*

ДАЛАГА ЧЕКСИЗ МЕҲР ҚЎЙГАН инсон



Умрни оқар сувга қиёслайдилар. Муротхўжа Қорахўжаев умри давомида дала ишлари билан елиб-югуриб ёши 60ни қоралаганини ҳам сезмай қолибди. Ота изидан бориб далага меҳр қўйгани, агроном, ҳисобчи, Фермерлар Кенгаши раиси бўлиб ишлаган йиллари, кейин эса “Холмат Комолхон” фермер хўжалигини бошқаргани... Буларга умрининг 30 йилдан ошиғини сарфлади ва ҳамон далани тарк этган эмас. Меҳнат фаолиятининг 24 йили эса Бўзсувнинг уфққа туташ далаларида ўтди.

Муродхўжанинг қўлга киритаётган ютуқлари замирида эҳ-ҳе, қанчадан-қанча машаққатли, сидқидилдан қилинган меҳнат ётибди. У кеча отасининг шогирди эди, бугун ўнлаб фермерларнинг устози. “Абдуғани Хожи Ота Агро” , “Бўзсув Зохид”, “Бўзсув Аҳмаджон”, “Бўзсув Назирхўжаев Улуғхўжа”, “Хамдамжон Акромов” ва бошқа фермер хўжаликлари унинг маслаҳатларига амал қилиб оёққа туришган.

Муродхўжа ака Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати сифатида ҳам сайловчилари томонидан ўртага ташланган муаммоларни ҳал этишда жонбозлик кўрсатмоқда.

Меҳнаткаш, жонкуяр инсон, ёшларнинг севимли устози бўлган Муродхўжа аканинг табаррук ёшлари билан табриклаб, сиҳат-саломатлик, ишларида муваффақиятлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

БЎЗСУВ “ТАЯНЧ МАДАДКОР” МЧЖ ЖАМОАСИ ВА БЎЗСУВ ФЕРМЕРЛАРИ

► *Маънавият қирралари*

КЕЛИНЧАКЛАР

Ўтган-кетганнинг нигоҳи ял-ял ёниб кўчага иштиёқ билан сув сепиб, супураётган келинчакда. Эгнидаги хонатлас, бошидаги башорат дўппи гўзал келинчакка чунонам ярашган эдики, асти қўяверасиз. Келинчак ўтган-кетганга қўлини кўксига қўйиб салом берганида, нуроний қариялар уни дуо қилишарди:”Умрингдан барака топ, илойим қўшганинг билан қўша қаригин”,



Кўп ўтмай қўшни хонадонга ҳам келин тушди. У ҳам келинлик вазифасини ўташга ҳаракат қиларди-ю, аммо айрим қусурлари унга панд берарди. Тўплаган чиқиндиларини кўчадан шилдираб оқаётган зилол ариқ сувига оқизганини кўрган қўни-қўшнилар ўзларича ҳукм чиқаришарди. Мана сизга икки хил тарбия, икки хил манзара.

ЭЛ НАЗАРИ

Дунёда яхши ниятли одамлар кўп. Улар доимо эзгу тилакларга ошиқишади, ўзларидан яхши ном қолдириш асл мақсадлари. Боғ яратаётганларнинг сафи ортиб бораётганлиги қандай яхши.



Қўшни маҳаллалик Боқи ота Наврўз куни тўқсон олтинчи баҳорни қарши олади. Отахон ҳали тетик. Қўлидан токкайчи тушмайди. Ҳар баҳорда мактаб, боғча, ариқ бўйларига мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экишга бош-қош бўлади. Ёз бўйи қадалган кўчатлар парвариши билан машғул доимо. Суҳбатимиз чоғида отахон бир гапни дилдан айтдилар:”Болам, яхши ният билан экилган ҳар қандай кўчат парваришлаб ўстиришни ёқтиради. Унутмаки, дарахтлар экилган жойда албатта сув бўлиши муҳим”.

БАРАКАЛИ ХОНАДОН

Садир амакиларнинг уйидан қаттиқ овоз чиққанини эслолмайман. Маҳалладошлар бу уйни баракали деганларича бор эди. Яхши тил, очиқ дилли одамнинг мухлислари кўп бўлади. Садир амакининг яхши фазилатларидан бири унинг меҳмондўстлиги. Бу хонадонда бўлган катта-кичик уни яхши кайфиятда уй соҳибига миннатдорчилик билдириб тарк этарди.



Бахтга қарши гоҳида:”Меҳмон отангдай улуғ”, деган пурҳикмат сўзни унутиб қўямиз. Яқинда бир хонадонга меҳмондорчиликка таклиф этишди. Борганимизга минг пушаймон бўлдик. Чунки хонадон эгалари меҳмондорчиликнинг оддий қонун-қоидаларидан ҳам бехабар эдилар.

Ҳа, меҳмондорчиликни ўз ўрнига қўйган уй баракали саналади. Меҳмонсиз уй суви қуриган тегирмонга ўхшайди. Шунинг учун айтишади-да, яхши одамнинг меҳмони кўп бўлади, деб.

Мурод БОТИРОВ.

ISTIQBOL
Muassis: Zangiota tumani hokimligi

Bosh muharrir o‘rinbosari
Jamila ARSLONOVA

Tahririyat manzili: Eshonguzar qo‘rg‘oni, tuman hokimligi binosi.
Telefon: 70-97-53-286.

Gazeta haftaning juma kuni chiqadi.
Hajmi 2 taboq, qog‘oz bichimi A3.
Ofset usulida bosildi. Bahosi erkin narxda.

Bosishga topshirish vaqti: 12.00
Bosishga topshirildi: 12.00
1 2 3 4 5 6

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Navbatchi: Jamila ARSLONOVA

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2012 yil 24 iyulda 03-015 raqami bilan ro‘yxatga olingan. Nashr indeksi: 64895

“Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Toshkent shahri, “Buyuk Turon” ko‘chasi, 41. Adadi – 2850. Buyurtma № G-914.

ISSN 2181-61820